

XXI АСРДА ПОКИСТОН ВА АФҒОНИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДАГИ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР БОРАСИДА

*Э.Назаров – Жаҳон сиёсати, тарих ва
фалсафа факультети магистранти*

АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақола Покистон ва Афғонистоннинг асосан ХХИ асрдаги муносабатлари ривождаги муаммоли вазиятларга бағишланган. Мақолада асосан икки давлат чегара худудида яшовчи пуштунлар масаласи ва Афғонистон Ислом Республикаси худудидаги “толибонлар” экстримистик ҳаракатига эътибор қаратилган.

Афғонистон Ислом Республикаси (АИР) ва Покистон Ислом Республикаси (ПИР) бир-бирига чегарадош, бироқ географик жиҳатдан икки минтақага – Афғонистон Ўрта Шарққа, Покистон эса Жанубий Осиё минтақасига мансубдир. Давлатлар географияси фарқланса-да, мазкур давлатлар халқининг турмуш тарзи кўп жиҳатдан, жумладан, тарихий, диний, маданий, этник жиҳатдан бир-бирига яқин ҳисобланади.

Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш афғон омили баробарида, афғон-покистон муносабатларининг кечмиши билан ҳам боғлаш мумкин. Бу жиҳатдан Марказий Осиё хавфсизлик тизими нечоғли Афғонистонга боғлиқ бўлса, Афғонистондаги сиёсий муҳит бевосита Покистонга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мутахассислар “Покистон – афғон конфликтининг калити” сифатида бежиз айтишмаган.

Покистон Ислом Республикаси (ПИР) ва Ҳиндистон ўртасидаги қарама-қаршилик Исломободнинг эътиборини шимолга, яъни Афғонистон ва Марказий Осиё давлатларига қаратишга мажбур қилмоқда. Покистон азалдан афғон расмий ҳукумати билан дўстона муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилиб келган. 1980-90 йиллардаги Афғонистонда содир бўлган воқеалар, Покистондаги можароларнинг, шунингдек террорчилик ва жанговар ҳаракатларнинг ортиши минтақанинг вазиятини ўзгартириб юборди.

Афғонистон Покистон билан энг катта чегарага эга бўлиб, чегара худудида эса бир хил миллат, яъни пуштунлар, белужийлар яшайди. Тарихга эътибор берадиган бўлсак, Покистон Афғонистонда вазият беқарор бўлишидан манфаатдор бўлиб келган. Чунки, Покистоннинг Белужистон вилоятида тахминан 8,0 млн. белужлар ҳамда Федерал бошқарувдаги қабилалар худудида яшаётган 4 млн. Атрофидаги пуш-

тунларнинг сепаратистик ҳаракатлари ҳозиргача мавжуддир. Ҳозирга келиб Покистон Афғонистондаги вазиятнинг беқарорлиги Исломобод учун зарарли эканлигини англаб етган. Буни бир қатор мисолларда кўришимиз мумкин. Хусусан, Афғонистондаги вазиятнинг салбий томонга оғиши натижасида Покистондаги террористик ҳуружлар сонининг ортиши, Белужистон округи маъмурияти бошлиғи Калат Мирсулаймон Дауд 2009 йил 11 августни Белужистон мустақиллиги куни сифатида эълон қилиши бунга ёрқин мисол бўлади.

Шунинг учун Покистон ва Афғонистон ўзаро муносабатларининг ривожланиши мураккаб ҳамда беқарор даражада кечмоқда. Шундай бўлсада, улар ўртасидаги ҳамкорлик динамикаси давлатлараро норматив актларда намоён бўлиб, шу билан бирга чегара, қочоқлар ва ҳудудий масалалар бўйича муаммолар борлигини кўриш мумкин.

2005-2008 йилларда ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи бир қатор давлатлараро шартномалар имзоланган. Жумладан, «АИР ва ПИР транзит юкларини ташиш тўғрисидаги» келишув, «АИР ва ПИР терроризмга қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги» меморандум, «АИР ва ПИР ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш бўйича уч томонлама қўшма ишчи гуруҳини тузиш тўғрисидаги» шартномалар имзоланган.

АИР ҳамда ПИР муносабатларида Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудуди (ФБҚХ) билан боғлиқ бўлган муаммолар сақланиб турибди. Бу масалаларга пуштун омили, Афғонистон-Покистон чегараси статуси, афғон қочоқлари ва трансчегаравий терроризм киради.

Хусусан, мазкур мамлакатлар ташқи сиёсий стратегияларини ишлаб чиқишда пуштунлар масаласи доим кун тартибида биринчи ўринда турган.

Таъкидлаш керакки, ФБҚХ яшовчи 4 млн. аҳолининг 90% ни пуштунлар ташкил этади¹. Пуштунларнинг умумий сони 38 млн. кишини ташкил этиб, улардан 12,5 млн. Афғонистон ҳудудида, 25 млн. Покистонда истиқомат қилади².

Икки давлатда яшовчи пуштунларни бирлаштирувчи ягона «Буюк Пуштунистон» давлатини куришга интилишлар ФБҚХни нотинч жойлигича сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга Афғонистон ва Покистон муносабатларида давлат чегараларини белгилаб олишда муаммолар мавжуд. Ҳозирги вақтда Британия Ҳиндистони ва Афғонистон томонидан ўрнатилган «Дюранд чизиғи» деб номланувчи чегара Покистон ва Афғонистонни бўлиб туради.

¹ Силаев А. О территории племен федерального управления Пакистана. <http://www.iimes.ru/rus/stat/2008/23-10-08.html>

² Паничкин Ю. Образование Пакистана и пуштунский вопрос. – Москва: Научная книга, 2005. –С. 43.

Бу чегара тўғрисидаги келишув 1893 йил 12 ноябрда Қобул шаҳрида Афғон амири А.Раҳмон ва Британия Ҳиндистони вакили М.Дюранд томонидан имзоланган. Унинг қонунийлиги масаласи икки томоннинг тортишувига сабаб бўлиб келмоқда. Хусусан, 1949 йилда афғон Лойи Жирғаси Дюранд чизигини ноқонуний деб эълон қилган³. Афғонистон ҳукумати «Пуштунистон куни»ни миллий байрам деб эълон қилиб, бу қарорни қўллаб қувватлади. 2003 йил 31 августда бу байрамни нишонланиши икки томонлама муносабатларда Афғонистон-Покистон чегараси яна биринчи даражали ишга айланди. Мазкур йилнинг июлида чегара туманларида Афғонистон ва Покистон хавфсизлик кучлари ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Бу иш Қобулдаги Покистон элчихонасида тинтув ўтказишгача етиб борди⁴.

2007 йил май ойида Исломободнинг Афғонистон чегарасида тўсик тизимини ўрнатиш ва мина майдонини қуришга ҳаракати икки томон чегара кучларининг қуролли тўқнашуви, жуда ўткир можарога олиб келди. Покистон томони бу чора-тадбирларни трансчегаравий терроризмни тўхтатиш ва «Толибон» жангарилари ҳаракатини бартараф этишга ёрдам беради деб ҳисобламоқда. Ўз навбатида Афғонистон ҳукумати биринчи ўринда Афғонистон ва Покистон чегарасида узил-кесил демаркатсия ўтказишни талаб қилган.

Бундан ташқари, ПИР ҳудудида катта миқдордаги афғон қочоқларининг жойлашганлиги, мамлакат ички хавфсизлигига, айниқса ФБКҲга жиддий таъсир кўрсатяпти. Қочоқларнинг иштироки минтақада жамоавий муносабатларнинг трансформатсиялашувига ва аҳолининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида аниқ муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Мавжуд қочоқларга мамлакат бюджетидан қўшимча харажатлар қилиниб, контрабанда, ишсизларнинг ошишига ва бошқа иқтисодий муаммоларнинг пайдо бўлиши кузатилмоқда. Покистонлик экспертлар фикрича, Исломобод қочоқларни сақлаш учун ҳар куни 500 минг АҚШ долл. атрофида маблағ сарфлайди, шунингдек, 1986 йил 175000 покистонлик фуқаро қочоқлар билан ишлашда банд бўлган (таълим соҳасида 46, соғлиқни сақлаш ва б.)⁵. Шу билан бир вақтда, қочоқлар ишлари бўйича БМТ Олий Бошқарув комиссарлиги ва донор давлатлар Покистонга аста-секин ёрдамни қисқартиришмоқда: 1980 йиллар бошида 109 млн. АҚШ долл. ташкил қилган бўлса, ҳозирда бу 4 млн.долл.га тенг⁶.

³ Sammon R. Mullas and maliks: understanding the roots of conflict Pakistan's Federally administrated tribal areas. University of Pennsylvania. 2008.

⁴ Mahmood T. The Durand line: South Asia's next trouble spot. –Monterey: Naval Postgraduate School, 2005.

⁵ Хан Н. Пакистан и афганский кризис (1978-1988 гг.). Дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1997.

⁶ UNHCR. Searching for solutions: 25 Years of UNHCR – Pakistan cooperation on Afghan Refugees. Islamabad Pakistan. June 2005.; Afghan refugees not

2006 йил октябр 2007 йил апрелда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, ПИРда умумий қочоқлар сони 2,153 млн. киши, шунингдек, ФБҚХда уларнинг сони 1,5 млн.га яқин, яъни аҳолининг 30%га яқинини ташкил этган. Бу ҳудудда деярли 20 йилдан бери қочоқларнинг 80%и яшайдилар, уларнинг 56%и 18 ёшдан кичик ва бу ёшларнинг 45%и шу ерда туғилганлар⁷.

Таъкидлаш керакки, қочоқларнинг 70% дан кўпроғи саводсиз ва асосан малакасиз ишчи сифатида фақат 20% доимий иш ўрнига эга. Улар арзон ишчи кучи ҳисобланишган ва ҳудудда ишсизлар сонининг ошишига сабаб бўлди, натижада, ФБҚХда яшовчи аҳолиси орасида 1980-1990 йилларда меҳнаткашлар мигратсияси кузатилди, асосан, нефт ишлаб чиқарувчи мамлакатлар – Форс қўлтиғи давлатларига. Мавжуд маълумотларга кўра, мигрантлар пул кўчириши йилига 2 млрд.га яқин АҚШ долл.ни ташкил этган.

Айтиш жоизки, Покистондаги пуштун қабилаларининг ижтимоий ҳаётида афғон қочоқларининг таъсирида бир қатор ўзгаришлар содир бўлди, яъни мулла – янги бошқарув элитаси шаклланишига, шунингдек, жамиятда кескин чора-тадбирларни амалга оширишга - ислом ролининг кучайишига, суннийлар ва шиалар қарама-қаршилигининг ошишига олиб келди. Хусусан, чегаранинг икки тамонида пуштунлар яшашади, АҚШ Конгрессининг тадқиқот хизмати маълумотларига мувофиқ, улар қочоқлар орасида 81%ни ташкил этади⁸.

Шу билан бирга, Афғонистон ҳукуматининг терроризмга қарши курашда Исломобод билан ҳамкорлик амалга ошишига ишончсизлик билан қараб, уни тез-тез террористларни қўллаб-қувватлашда айблади. Хусусан, Афғон томон ФБҚХдаги террористик гуруҳлар ва экстремистлар билан Покистон ўртасида тинчлик келушувига бўлишига ҳамиша қарши эди. Жумладан, АИР ташқи ишлар вазири Р.Спант 2008 йил 5 июнда ПИР ташқи ишлар вазирлиги раҳбари М. Курейший билан учрашувда Исломободнинг толиблар билан келишувини муҳокама қилди. Унинг сўзларига кўра, тинчлик келишувларидан сўнг, Афғонистонда террористларнинг фаоллиги бир неча бор ошган⁹.

Умуман олганда, АИР ва ПИРнинг икки томонлама ўзаро ҳамкорлигининг муаммолари, асосан ФБҚХ билан боғлиқлигини, деярли ҳамма вақт долзарблигича қолаётганлигини айтиш мумкин. Пуштунларда афғон

responsibility of Pakistan alone: Fehmida. 24.07.2008.<http://dailymailnews.com/200807/24/news/dmcitypage07.html>

⁷ Силаев А. Афганские беженцы в Пакистане. <http://www.iimes.ru/rus/stat/2007/20-07-07.html>

⁸ Afghan Refugees: Current Status and Future Prospects. CRS report for Congress. 26.01.2007.

⁹ Глава пакистанского МИД: мы не против переговоров с Хекматияром <http://www.afghanistan.ru/doc/12233.htm>

томонига нисбатан миллатчилик қарашлари ва бирдамликни ҳис қилишнинг сақланганлиги, шунингдек, чегаранинг делимитатсия ва демаркатсия масалаларининг ечилмаганлиги давлатлар ўртасида узок муддатли муаммолигича қолмоқда. Шу билан бирга, катта миқдордаги афғон қочоқлари иштироки билан боғлиқ бўлган, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммолар, бундан ташқари ушбу ҳудудда террористик ташкилотларнинг жойлашганлиги тез-тез мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда тортишувнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.